



## ЎЗБЕКИСТОН БАНК ТИЗИМИНИНГ ИНВЕСТИЦИЯ-КРЕДИТ ПОТЕНЦИАЛИ: МАЗМУНИ, ТАРКИБИ ВА РИВОЖЛАНИШ ОМИЛЛАРИ

**Jabbarov Eliboy**

Toshkent iqtisodiyot va pedagogika universiteti

Iqtisodiyot fanlari doktori, professor

[eliboyjabbarov@gmail.com](mailto:eliboyjabbarov@gmail.com)

**Ergashova Nilufar Sobirovna**

Toshkent iqtisodiyot va pedagogika universiteti, mustaqil izlanuvchisi

[nilufarergashova60@gmail.com](mailto:nilufarergashova60@gmail.com)

**Аннотация:** Ушбу мақолада Ўзбекистон банк тизимининг инвестиция-кредит потенциали мазмуни, унинг шаклланиш манбалари ҳамда ривожланишига таъсир этувчи омиллар таҳлил қилинади. Шунингдек, миллий банк тизимининг жаҳон молия тизимига интеграция даражаси, Марказий банкнинг асосий ставкаси таъсири ва умумий иқтисодий конъюнктуранинг аҳамияти ёритилган.

**Калит сўзлар:** банк тизими, инвестиция-кредит потенциали, капитализация, ликвидлик, асосий ставка, хорижий инвестициялар, иқтисодий конъюнктура, депозит, миллий иқтисодиёт, моддий ва номоддий активлар, векселлар, қарз мажбуриятлари, эмиссия ресурслари, фонд бозори, макроиқтисодий барқарорлик.

**Аннотация:** В данной статье анализируется содержание инвестиционно-кредитного потенциала банковской системы Узбекистана, источники его формирования, а также факторы, влияющие на его развитие. Кроме того, раскрываются уровень интеграции национальной банковской системы в мировую финансовую систему, влияние ключевой ставки Центрального банка и значение общей экономической конъюнктуры.

**Ключевые слова:** банковская система, инвестиционно-кредитный потенциал, капитализация, ликвидность, ключевая ставка, иностранные инвестиции, экономическая конъюнктура, депозит, национальная экономика, материальные и нематериальные активы, векселя, долговые обязательства, эмиссионные ресурсы, фондовый рынок, макроэкономическая стабильность.

**Abstract:** This article analyzes the essence of the investment and credit potential of Uzbekistan's banking system, its sources of formation, and the factors influencing its development. It also highlights the degree of integration of the national banking system into the global financial system, the impact of the Central Bank's key rate, and the importance of the overall economic environment.

**Keywords:** banking system, investment and credit potential, capitalization, liquidity, key rate, foreign investments, economic environment, deposit, national


economy, tangible and intangible assets, bills of exchange, debt obligations, emission resources, stock market, macroeconomic stability.

### **Кириш**

Банк тизими ҳар бир мамлакат иқтисодиётида молиявий воситачилик функциясини бажаради. У орқали молиявий оқимлар қайта тақсимланади, капитал ҳаракати таъминланади ва инвестиция жараёнлари рағбатлантирилади. Шу жиҳатдан, банк тизимининг **инвестиция-кредит потенциали** мамлакат иқтисодий ўсишини таъминловчи асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Банк тизимининг инвестиция-кредит потенциали деганда банк тизимининг молиявий оқимларни қайта тақсимлаш, капитал ҳаракатида воситачилик функциясини бажариш қобилияти тушунилади. Бу жараён халқаро миқёсда ҳам, миллий иқтисодиётнинг турли тармоқлари ўртасида ҳам амалга оширилади. Инвестиция-кредит потенциали орқали истеъмол талаби рағбатлантирилади ва реал сектор ривожланади. Умуман олганда, банк фаолиятининг кўлами унинг потенциали билан белгиланади. Банкнинг инвестиция-кредит потенциали — бу банкнинг ўз ва жалб қилинган пул маблағлари, моддий ва номоддий активларининг жамланмаси бўлиб, у кредит муассасасининг молиявий ва ташкилий имкониятлари доирасини белгилайди. Ана шу доирада банк капитал кўйилмаларни амалга ошириш учун кредитлаш фаолиятини олиб бориши мумкин.

Пул маблағларига — банкнинг ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағлар киради; моддий активларга — асосий фондлар ва айланма ишлаб чиқариш фондлари киради; номоддий активларга эса — банкнинг нуфузи, таъсири ва алоқалари, мижозларга хизмат кўрсатишнинг замонавий технологияларини қўллаш, ташкилот ходимларининг юқори малакали билим, кўникма ва маҳоратлари ва шунга ўхшаш бошқа жиҳатлар киради.



### **1-расм Банкнинг кредит-инвестиция потенциали элементлари**


Инвестиция-кредит потенциалининг молиявий манбалари тижорат банкининг ўз капитали ҳамда унинг узоқ муддатли асосда жалб этган маблағларидан иборат. Инвестиция-кредит потенциали шаклланиш манбаларини ишлаб чиқишда банк активлар ва пасивларни бошқариш бўйича танланган концепциядан келиб чиқиши лозим.

Кўпчилик банклар узоқ муддатли маблағларни жалб этиш имкониятининг

етишмаслигини ҳис қилади ва натижада қисқа муддатли ресурсларнинг маълум қисмини узоқ муддатли қўйилмаларга йўналтиради, яъни қисқа муддатли пасивларни узоқ муддатли активларга айлантириш (трансформация) амалга оширилади.

Бироқ, банк тизимининг ривожланиши ва фаолият юритишининг замонавий шароитида ликвидликни таъминлаш мақсадида, активларни жойлаштириш муддатларини пасивларни жалб этиш муддатлари билан мувофиқлаштириш мақсадга мувофиқроқдир.

Шунинг учун ҳам инвестиция-кредит потенциали таркибига банк томонидан чиқарилган ва 1 йилдан ортиқ муддатга мўлжалланган қарз мажбуриятларини киритиш мантиқан асосли ҳисобланади.



## **2-расм Инвестиция-кредит потенциалининг молиявий таркиби**

Инвестицияларни молиялаштириш учун зарур ресурсларни банк тизими орқали кредит механизмларидан фойдаланган ҳолда, шунингдек капитал бозорлари орқали жалб этиш мумкин.

Тижорат банк тизимининг инвестиция-кредит потенциалини оширишнинг асосий йўналишлари ва омиллари қуйидагилар:

- банк тизими капитализациясини ошириш (яъни, ўз капиталини кўпайтириш) — фойда, эмиссия ресурслари ва асосий воситаларни қайта баҳолаш ҳисобидан;

- аҳоли жамғармаларини жалб этиш;
- хорижий инвестицияларни банк тизимига киритиш;
- Марказий банкнинг қайта молиялаш воситаларини ривожлантириш;
- умумий иқтисодий конъюктуранинг яхшиланиши.

Инвестиция-кредит потенциалига таъсир этувчи энг муҳим омил — бу банкларнинг ўз капиталини кўпайтириш, яъни капитализациядир. Молиявий инқироз, фоиз ставкалари ўсиши ва ликвидлик етишмаслиги, кечиктирилган қарзларнинг ўсиши банк фойдасининг камайишига сабаб бўлади.

Эмиссия ресурсларига таъсисчилар, акциядорлар ва учинчи шахслар маблағлари киради. Ўз капиталини оширишнинг самарали воситаларидан бири

— бу IPO (акцияларни биринчи мартаба оммавий жойлаштириш) ёки акцияларнинг бир қисмини стратегик инвесторга сотишдир. Бироқ бундай оммавий жойлаштириш фақат банкнинг кредит рейтинги етарлича юқори бўлганда амалга оширилади.

Фонд бозори қарз воситалари бозоридан асосий фарқи шундаки, у фойдани фақат узоқ муддатли инвестициялар орқали кафолатлайди. Шу сабабли, эмитентнинг узоқ муддатли молиявий барқарорлиги инвесторларни жалб этиш учун зарур шарт ҳисобланади. Шундай қилиб, эмиссия манбаси орқали банк тизимининг ўз капиталини сезиларли даражада ошириш мумкин, бироқ бу ўсиш асосан йирик банкларда жамланади.

Банклар асосий воситаларни қайта баҳолаш манбаидан кам фойдаланадилар, чунки бу жараён мулк солиғи бўйича солиқ базасининг ошишига олиб келади. Бундан ташқари, бу манба инвестиция-кредит ресурслари ҳажмини тўғридан-тўғри оширмайди.

Инвестиция-кредит потенциалига таъсир этувчи яна бир муҳим омил — бу аҳоли жамғармаларининг жалб қилишдир. Аҳоли жамғармалари реал секторга банк, пенсия ва суғурта тизимлари орқали киради. Тижорат банкларининг аҳоли жамғармаларини жалб этиш қобилияти — молиявий воситачиликнинг асосий шартидир.

Аҳоли омонатларининг номинал ёки реал ҳажмдаги динамикаси банк тизимида бўлган ишонч даражасини ва банкларнинг воситачилик функцияларини қанчалик самарали бажараётганини кўрсатади.

Макроиктисодий барқарорлик, шунингдек ахборот ва сиёсий шоклар банк тизимида бўлган ишончни белгиловчи асосий омиллардир. Ахборот ёки сиёсий шоклар — бу одатий ҳолатдан ташқаридаги ғавқулдда воқеалар ёки ахборот ҳужумлари бўлиши мумкин.

Сиёсий шокларга қуйидаги ҳолатлар киради:

- монетар ҳокимиятлар томонидан инерцион сиёсат юритилиши;
- банк лицензияларининг қайта кўриб чиқилиши ёки уларнинг бекор қилиниши эҳтимоли;
- солиқ ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг оммавий даъволари;
- FATF, BIS, Базел қўмитаси каби халқаро ташкилотлар томонидан қабул қилинган қарорлар натижасида тижорат банкларини фаолиятини мураккаблаштириши ва уларнинг рақобатбардошлигини пасайтириши.

Талаб қилиб олинадиган ва муддатли омонатлар улуши банк тизимининг ҳолатини тавсифловчи муҳим кўрсаткичдир. Бу кўрсаткич аҳолининг банк тизимида бўлган ишончини акс эттиради. Айнан муддатли омонатлар — узоқ муддатли кредитлашни ривожлантириш учун зарур ресурс базасини ташкил этади ва молиявий воситачилар учун асосий манба ҳисобланади.

Банк тизимидаги хорижий инвестициялар ҳам банк соҳасининг инвестиция-кредит потенциалига таъсир кўрсатувчи омиллардан бири ҳисобланади. Банк тизимидаги хорижий инвестициялар деганда, бутун банк тизимидаги рўйхатдан ўтган устав капитали ва активлар таркибидаги хорижий банклар улуши тушунилади. Хорижий банклар, одатда, бош компаниялари орқали арзон ва осон етиб бориладиган капитал манбаларига эга бўлгани

сабабли, банк тизимида хорижий инвестициялар мавжуд бўлиши инвестиция-кредит потенциалининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатади.

Банк тизимининг инвестиция-кредит потенциалидаги ўзгаришларга хорижий банкларнинг таъсирини икки йўл билан баҳолаш мумкин:

- тижорат банкларининг устав капиталидаги хорижий инвестициялар ўсиш динамикасини баҳолаш;
- хорижий банкнинг ресурс базасини таҳлил қилиш.

Ўзбекистон банк тизимининг жаҳон молия тизимида интеграция жараёни афзалликлар ва камчиликларга эга. Афзал томони шундаки, пасивлар манбалари кенгайиши ҳисобига банк тизими миллий иқтисодиётдаги турли сўнгги шокларга нисбатан барқарорроқ бўлади. Аммо глобал молиявий беқарорлик ҳолатларида миллий иқтисодиётнинг халқаро капитал ҳаракатига бўлган боғлиқлиги қанчалик кучли бўлса, унга бўлган салбий таъсир ҳам шунчалик юқори бўлади.

Миллий банк тизимининг жаҳон иқтисодиётига интеграция даражасини тавсифловчи омиллар қуйидагилардан иборат:

- банк тизими активлари ёки устав капиталидаги хорижий банклар улуши;
- Молиявий бўлмаган сектор ташқи қарзининг улуши;
- банк тизими ташқи қарзининг банк тизими пасивларининг умумий тузилмасидаги улуши.

«Молиявий бўлмаган сектор ташқи қарзининг улуши» омилининг миллий иқтисодий ривожланиши учун аҳамияти катта. Бир томондан, қимматли қоғозлар бозорига кириш имкониятининг қисқариши — реал секторга инвестициялар ҳажмининг камайиши — киши бошига тўғри келадиган ЯИМ ўсиш суръатининг секинлашишига олиб келса, бошқа томондан эса, молиявий бўлмаган сектор ташқи қарзи улуши қанчалик юқори бўлса, миллий иқтисодиётнинг ташқи омилларга боғлиқлиги ҳам шунчалик кучли бўлади.

Марказий банкнинг асосий ставкаси ҳам банк тизимининг инвестиция-кредит потенциалига таъсир кўрсатади. Тижорат банклари учун асосий ставка инструментларининг самарадорлигини ошириш ва уларни ривожлантириш — ликвидлик инқирозлари шароитида муҳим омил ҳисобланади. Асосий ставка самарадорлиги деганда молиявий ресурсларни мақсадли равишда йўналтириш ҳамда банк тизими ичида уларни барқарор ва тенг тақсимлаш тушунилади.

Молиявий ресурсларни мақсадли фойдаланиш қуйидагиларни ўз ичига олади:

- иқтисодиётни узоқ муддатли кредит ресурслари билан тўлдириш;
- стратегик иқтисодий объектларга инвестиция йўналтириш;
- хорижий активларга йўналтириладиган маблағлар улушини камайтириш.

Банк тизимининг инвестиция-кредит потенциалига таъсир этувчи сўнгги омил — бу умумий иқтисодий конъюнктура ҳисобига маблағлар оқимининг кўпайиши ҳисобланади. Бу натижага қуйидаги таркибий қисмлар орқали эришиш мумкин:

- Кредит ва инвестиция ресурсларининг самарасиз тақсимланишига олиб келувчи “хавфли” ёки “сифатсиз” активлар (паст сифатли кредитлар) ҳажмини қисқартириш;



- иқтисодий субъектлар фойдасини ошириш, бу эса банклардаги ҳисобварақларда маблағ қолдиқларининг кўпайишига олиб келади;
- капитал чиқиб кетишини қисқартириш;
- инфляция даражасини тартибга солиш.

### **Хулоса**

Инвестиция-кредит потенциалини бошқариш банк депозитларининг барқарорлигини таъминлашга, мижозларнинг пул маблағлари банкдан чиқиб кетишини олдини олишга қаратилган бўлиши керак. Бу эса кредит ташкилотига ишончни сақлаш, мижозларга хизмат кўрсатиш тизими орқали, тақдим этилаётган хизматларнинг юқори сифати ва кенг турлари асосида таъминланади.

Ўзбекистон банк тизими иқтисодиётнинг инвестиция эҳтиёжларини қондиришда марказий ўрин тутadi. Инвестиция-кредит потенциалини ошириш учун банкларнинг капитализациясини кучайтириш, аҳоли жамғармаларини жалб қилиш, хорижий инвестицияларни кенгайтириш ва Марказий банк инструментларини самарали қўллаш зарур.

Умумий иқтисодий конъюнктура ва молиявий барқарорликни таъминлаш эса банк тизимининг барқарор ривожланишини кафолатлайди.

### **Фойдаланилган манбалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий маълумотлари.

2. “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Қонун.

3. Фуқаролик кодекси, вексел айланмаси бўйича моддалар.

4. Халқаро Валюта Жамғармаси ва Базель қўмитаси тавсиялари.

5. Андрюшин, С. А. Банк тизимлари : “Молия ва кредит”, ўқув қўлланма.

Москва : Альфа-М, ИНФРА-М нашриёти, 2016 йил. — 383 бет.

6. Лаврушин, О. Банк иши: замонавий кредитлаш тизими : ўқув қўлланма.

Россия Федерацияси Молия университети. — 7-нашр, қайта ишланган ва тўлдирилган. — Москва : Кнорус нашриёти, 2017 йил. — 360 бет.

7. E.Jabbarov ,N.S.Ergashova, Banklarning investisiya va kredit salohiyatini shakllantirish muammolari. Raqamli iqtisodiyot ilmiy-elektron jurnali 11-son WWW.INFOCOM.UZ

8. Н.С.Эргашова, Факторы, влияющие на уровень инвестиционно-кредитного потенциала коммерческого банка. <https://doi.org/10.5281/zenodo.15592166>. Journal of Contemporary World Studies, 3(4), 251-258. <https://bestjournalup.com/index.php/jcws/article/view/1798>

9. Мухиддинова Г. У. (2023). Ўзбекистон банк тизими ва унинг бозор иқтисодиётидаги роли. *Таълим, фан ва инновацион ҳолатлар жамиятида*, 21(6), 54-57. *New Journal*

10. Шарипова Н. (2025). Ўзбекистон Республикаси рақамли банк тизими. *Ўзбекистоннинг ривожланиши ва тадқиқоти журнали (JUDR)*, 1(2), 161-163.